



Аллоҳ аzza ва жалла қайси бандани бир раийятга бошлиқ қилиб қўйса ва у раийятини алдаган ҳолда вафот этса, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилади»,— деганларини эшитдим

Маъқил ибн Ясор разияллоҳу анҳу айтадилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Аллоҳ аzza ва жалла қайси бандани бир раийятга бошлиқ қилиб қўйса ва у раийятини алдаган ҳолда вафот этса, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилади»,— деганларини эшитдим.

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда Аллоҳ таоло кимни бошқалар устидан бошчи қилиб қўйса ва шу инсон ўз масъулиятини намунали тарзда бажармаса, уларни алдаса, насиҳат қилмаса ва диний ҳамда дунёвий ҳақларини зое қилса юқорида зикр қилинган жазога сазовор бўлишини хабар бердилар. Бошчилик умумий ёки хос бўлиши мумкин. Умумий бошчилик амирлар мисолида, хос бошчилик эса кишининг уйдаги бошчилигида яққол намоён бўлади.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/5335>

